

КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Murotova Yulduz Faxriddin qizi

Аннотация: кутубхоналарда китобхонлар тарғиботини янада кучайтириш, ахборот маданиятини шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга, моддий ва маънавий бойлигимизни эъзозлашга ўргатиш ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлари: ахборот, китоб, укувчи-китобхон, кутубхоначи, кизиқиш, эҳтиёж, маънавият, юксалиш, тарғибот, масъулият,

Аннотация: Библиотеки думают о дальнейшем усилении пропаганды читателей, формировании информационной культуры, воспитании молодежи в духе патриотизма, обучении ее сохранению наших национальных ценностей, уважению нашего материального и духовного богатства.

Ключевые слова: информация, книга, читатель-читатель, библиотекарь, интерес, потребность, духовность, восхождение, пропаганда, ответственность.

Annotation: Libraries are thinking about further strengthening the propaganda of readers, the formation of an information culture, the education of young people in the spirit of patriotism, teaching them to preserve our national values, respect our material and spiritual wealth.

Key words: information, book, reader-reader, librarian, interest, need, spirituality, ascent, propaganda, responsibility.

Бугунги кунда юртимизда китобхонликка, китоб мутолаасига жуда катта эътибор берилаётгани бу касб эгаларини янада фаол ишлашга ундамоқда. Чунки ҳали тафаккур кemasига чиқмаган, фикрат денгизида сузмаган оддийгина мактаб ўқувчиси таълим даргоҳининг бир бурчагидаги сеҳрли-сирли хонага юрак ютиб кираркан, кутилмаганда уни меҳрибон бир инсон қарши олса, унинг ёши ва қизиқишидан келиб чиқиб, бир неча китобларни таклиф қилса, ўша китоблар ҳақида шу қадар қизиқарли хикоялар, ўз таассуротларини айтиб берса, ҳар қандай ўқувчининг бутун дунёни унутиб мутолаага берилиб кетиши, сўнгра ҳар куни ўша нурли масканга ошиқиши шубҳасиз

Ҳатто жаҳон ёшлари психологиясида оилавий, яъни ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар, китоб мутолаа қилиш маданияти, миллий-диний қадриятларга бўлган муносабат совуқлашиб, бегоналашиш тенденциялари кучайиши кузатилмоқда.

Мамлакатимизда мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, ўқувчи-ёшларни турли ёт ғоялар, таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларнинг тарбиясини тўғри амалга ошириш борасида қатор вазифалар белгиланиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ қолган давлатларга ҳам ўрناк бўла оладиган дастурлар ишлаб чиқилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таълим, илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш юзасидан қатор вазифаларни белгилаб берди. Булар қаторида ўқувчи-ёшларнинг бадий, илмий, тарихий адабиётларни ўқишга бўлган қизиқишларини шакллантириш борасидаги қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: «Ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга

эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган мухаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди»¹.

Ҳақиқатан ҳам, ўқувчи-ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантириш, илмий, тарихий асарларни ўқиш, ўрганиш, таҳлил этишга бўлган қизиқишларини орттириш орқали уларда турли ёт ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитет ҳосил қилинади.

Илм-фан, жамиятнинг ютуқлари, тараққиёти китоб билан юзага келади, китоб ёшликда энг яхши мураббий, қариганда эса ундан яхшироқ дўст йўқлиги хусусидаги фикр ва ғояларни жуда кўп эшитамиз.²

Кутубхоначилар истеъмолчиларни ҳар томонлама баркомол инсон бўлиб ривожланишларига ёрдам кўрсатиш мақсадида адабиётлар тарғиботини йўлга қўядилар. Уларни қизиқишни қондиришни ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблашлари керак. Бунинг учун ҳар бир китобхонни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб баркамолликка асос бўлишига ҳисса қўшадиган энг зарур адабиётларни тавсия этиш йўллари белгилайдилар. Кутубхоначилар ўз олдига қўйган вазифаларни яхши тасаввур этиб, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш вазифаларига ўзларининг кундалик фаолиятларида қатъий амал қилишлари шарт. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш вазифалари Республикаимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти талабаларидан келиб чиқади.

Ҳозирги кунда кутубхоналар, АКМларнинг асосий вазифаси ҳар томонлама етук, давр талабига жавоб берадиган ақлий ва жисмоний

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.:«Ўзбекистон», 2017. -47-б.

² Д.С.Сафарова. Китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали ўқувчи-ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш // Замонавий таълим, 2017 йил №7-сон, 37 б.

ривожланган шахсни шакллантиришдир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, баркамол авлод тарбиясига оид адабиётларнинг тарғиб этилиши, бу борадаги адабиётлар, ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркумининг ишлаб чиқирилиши каби муҳим вазифалар ахборот ресурс ва ахборот кутубхона марказиларининг иш фаолиятини асосий жабҳаларини белгилаб беради.

Ақлий камолот юксак илмийликни, маданиятлиликни ва нафосатни ўзида ифодаласа, жисмоний камолот китобхонни ҳар томонлама жисмоний соғлигини ифодалайди. Ақлий ва жисмоний камолотни китобхонда уйғунлашуви баркамоллик нишонасидир. Китобхонни ҳар томонлама камол топиши уни маънавий жиҳатдан ҳам тараққий этишига таъсир кўрсатади. Уни замонавий билим эгаси бўлишига, маърифатлий, маданиятли шахс бўлишига олиб келади. Шахсни ҳар томонлама камолотини чегараси йўқ, унга бўлган талаба янги туғилган орзулар сингари кўпайиб бораверади. Шахсни ҳар томонлама камолоти китобхонни барча фан соҳаларини тўлиқ ўзлаштириши шарт деган ғояни кўймайди Бетакрор интилишда истеъмолчининг касб-кори, мутахассислиги асосий омил бўлиб ҳизмат қилмоғи зарур.

Шахсни ҳар томонлама камолотига кутубхона ҳамкорлик қилади ва таъсир кўрсатади, аммо китобхонга таъзиқ ўтказмасдан китобхонни ҳуқуқини ҳимоя қилган ҳолда адабиётни эркин танлаш ва баҳолашга имкон яратиши керак. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама тараққий этириш, кутубхона, АКМларининг барча ахборот- кутубхона хизмати ишларини ташкил этишнинг метадологик асоси бўлиб хизмат қилади. Кутубхона, АКМлари истеъмолчиларинини янги қизиқишларини шаклланишига, қизиқишини чуқурлашига ва тараққий этишига яқиндан кўмаклашадилар.

Истеъмолчиларни ўқиш доирасини кенгайтишига маълум миқдорда таъсир кўрсатадилар. Ушбу ишларни натижалари истеъмолчиларни китоб

танлашида, фикрлашини ривожланишида, қизиқишини шаклланишида намоён бўлади.

Кутубхоналар тажрибасида ўқилган китоб ҳақида гуруҳли суҳбат ўтказиш анъанаси ҳам мавжуд. Бунда болаларни ҳаяжонлантирган асар ҳақида бироз вақтдан кейин суҳбат ўтказилгани маъқул. Чунки бу даврда болада ўқиб чиққан китоби тўғрисида хилма-хил фикрлар туғилади, ҳатто китобхонда бир-бирини инкор этувчи қарашлар пайдо бўлади. Ана шундан кейин кутубхоначи мазкур асар ҳақида аввал ўқувчиларнинг фикрини эшитиб кўриши, суҳбат охирида ўз фикрини айтгани маъқул бўлади.

Натижада, ўқувчиларда китобни тушуниб, мулоҳаза қилиб ўқиш малакалари шакллана боради. Айни пайтда кутубхоначи ҳар бир ўқувчининг китобхонлик савиясини ҳисобга олган ҳолда уларга китобдан энг керакли, энг муҳим нарсаларни билиб олиш йўлларини ўргатади, имконияти ва қобилиятига қараб оддий китоблардан мураккаброқ китобларни ўқишга етаклайди

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 апрель “Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида” Қонуни, №280-ЎРҚ..
2. Ўзбекистон Республикаси. Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида. – „Халқ сўзи“ газетаси, 2019 йил, 7-июнь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кутубхона иши. “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатишни ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” – “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил. 13 январь.

4. Давлатов С., Носиров Ў., Бердиева З., Ўрозов А. “Кутубхонашунослик” ўқув қўлланма.- Тошкент. 2020 й. (электрон вариант)
5. Ғаниева Д.А. "Таълим мақсадларини амалга оширишда ахборотресурс марказларининг роли" -Т.:Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.